Ушбу сонда:
2 АЁЛЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ ГУЛЛАРИ
3 АДВОКАТ КИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?
4 ҚОРАБАЙИРЛАР КИШНАГАНДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 23 апрел, жума №47 (694)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ









**Суратларда: Ишонч ёрлиқларини топшириш пайти**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 22 апрел куни Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Баскар Кумар Митра ишонч ёрлиғини топширди.

- Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар, халқларимизнинг бир-бирига қизиқиши ва ҳурмати ҳақида кўп гапириш мумкин, - деди Ислом Каримов учрашув чоғида.- Икки давлат ўртасидаги маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзаро муносабатларимиз асрлар давомида шаклланган ва шунинг учун ҳам мустаҳкамдир.

Баскар Кумар Митра самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдириб, икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ишида ўз куч- ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни давлатимиз раҳбарига Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рони Ҳидоят Гастина ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон билан Индонезияни бир-бирига боғлаб турувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Бу, энг аввало, халқларимизнинг диний ҳамда маданий яқинлиги билан изоҳланади.

Давлатимиз раҳбари Рони Ҳидоят Гастинага икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилади.

* * *

Президент Ислом Каримов Сингапур Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сим Чеок Лимдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

- Мен сизни Сингапур элчиси сифатида Ўзбекистонда фаолият бошлаганингиз билан табриклайман, - деди Ислом Каримов.- Ўйлайманки, ўзаро алоқаларимизни мустаҳкамлаш ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир. Афсуски, ўзаро ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси етарли даражада эмас. Икки томонлама алоқаларнинг кучли бўлиши учун эса, аввало, унинг ҳуқуқий асоси мустаҳкам бўлиши керак. Шу боис, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Сим Чеок Лим самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. У Сингапур Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Чад Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абдул Жибрин ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

- Орадаги масофа узоқ бўлишига қарамасдан, биз Чад Республикаси билан самарали ҳамкорлик қилишимиз мумкин, деди жумладан, Ислом Каримов ўзаро мулоқот чоғида. - Масалан, пахтачилик соҳасида. Негаки, Марказий Африкада жойлашган мазкур давлат пахтачилик бўйича ўз тажрибасига эга.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш зарурлигини айтди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА)**



**9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги Президентимиз ташаббуси қалбимиздан чуқур жой олди. Бу билан аждодлар хотираси муқаддас эканлиги, Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган ўғлонлар номи, жасорати мангу эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.**

## УМРБОҚИЙ ИНСОН

Юртбошимиз бу азиз Ватанда ўз халқига, юртига садоқат билан хизмат қилган ҳеч бир инсон изсиз кетмаслигини, унинг муқаддас хотираси эъзозланишини амалда яна бир бор исботлади. Президентимизнинг бу ташаббуси халқимиз қалбида янада эҳтиром, фахрланиш туйғусини уйғотди.

Ҳа, ўзининг ҳалол меҳнати, чин ватанпарварлик меҳр-муҳаббати билан юртдошлар хотирасида чуқур из қолдирган азиз инсонлар кўп. Улар хотираси олдида бизлар таъзим қиламиз.

Зеро, бу Ватанда халқини севган, унинг равнақи йўлида меҳнат қилган ҳар бир фидойи инсоннинг умри боқийдир. Улар ўз умри давомида теварак-атрофдаги одамлар қалбида эзгулик, Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат уруғини қадашган. Улар бугунги кунда ҳам Мустақил юртимизнинг мустақиллигини юксалтириш йўлида хизмат қилмоқда.

Ана шундай инсонлардан бири Азизқул Чориев эди. Азиз устозимиз умрининг сўнгги нафасигача ўқитувчилик қилдилар. Ёшларни шу азиз Ватанни севишга, унинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари учун жон бахшида этган эдилар. У бизларни ўз фарзандларидек суюб, эркалаб, зарур пайтларда панд-насиҳат бериб ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олиш учун жон куйдирдилар. Бунинг исботи ўлароқ бугун бу обод ва мустақил юртимизнинг турли бурчакларида унинг шогирдларини учратасиз. Бири шоир бўлиб Ватанни тараннум этса, яна бири қишлоқ хўжалигида, яна бири эса тадбиркорлик билан шуғулланиб Ўзбекистон равнақига ҳисса қўшмоқда.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларда нафақада бўлиши ва хасталигига қарамасдан, яна ёшлар бағрига ошиқди. Бутун вужуди билан сўнгги нафасигача меҳнат қилди.

Шеробод туманининг «Хатак» қишлоғида Азиз отани меҳр-муҳаббат ва ғурур билан эслашади. Кўп йиллар давомида директор сифатида мактабнинг моддий таъминотини яхшилади. Кенг ва шинам синф хоналарида замонавий компьютерлар сир-асрорини ўрганаётган ёшларга унинг шогирдлари дарс бермоқда.

**С.САФАРОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

## ДЎСТЛАРНИ ҚЎМСАЙМАН

Инсон умри оқсоч дунёнинг ёши олдида бир лаҳзалик гап. Аммо ана шу оний лаҳзани шундай яшаб ўтиш керак эканки, токи уни хотирлаш ва қадрлаш имкони бўлсин. 9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган кундан буён жангоҳларда қолиб кетган, Ватан учун азиз жонини нисор қилишга тайёр турган қуролдош дўстларим кўз ўнгимда бир-бир гавдаланди. Уларнинг муқаддас хотирасини ёд этиш биз тирикларнинг олий бурчидир. Чунки улар бизнинг бугунимиз ва эртаги кунимиз, порлоқ келажагимиз учун жон фидо қилганлар...

Жангоҳларда хоки қолганларни эсларканман, беихтиёр бугун ҳам ўша жароҳатларни танасида туйиб, қалбида ҳис қилиб юрган инсонлар ёдимга келади. Ахир, уларнинг ҳар бири меҳрга, инсоний қадрга муҳтож одамлар-ку! Шунда Президентимизнинг 9-Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилгани бежиз эмаслигига иймон келтираман.

**Набижон МЕЛИБОЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси,**
**Ўзбекистон тумани.**

## ВЕНГРИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Республикаси парламентининг депутати, мамлакат молия вазирлигининг давлат котиби, Парламентлараро иттифоқ доирасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари билан дўстона алоқалар бўлимининг амалдаги раиси Михай Варга бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди. Делегация аъзолари бу ерда Ўзбекистон парламенти раисининг ўринбосари А.Қосимов билан учрашди.

Венгриялик меҳмонлар Ўзбекистон қонунчилигидаги ўзгаришлар, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ва Олий Мажлис фаолияти билан таништирилди. Учрашувда парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қонуний ҳужжатлар давлатимизни демократия ва тараққиёт йўлидан ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаётгани алоҳида таъкидланди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

Делегация раҳбари М.Варга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, мамлакатимизда нисбатан қисқа муддат ичида давлатчиликни ривожлантириш борасида эришилган натижаларга юксак баҳо берди.

Шунингдек, Венгрия Республикаси парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилинди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

**(ЎзА)**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

## КУТУБХОНАНИ ҒАРИБ ҚИЛМАЙЛИК

**Кутубхона ҳақида кўп ва хўб ёзилди. Эшигини занг, китобини чанг босган кутубхоналар бот-бот танқид қилинаяпти. Биз эса бу соҳадаги айрим муаммоларни қаламга олишга интилдик.**

**Шарқда азалдан китобга ҳурмат, меҳр-муҳаббат билан қараб келинган. Ҳар бир хонадоннинг тўрида махсус токча қурилиб, нури зиё шунда авайлаб-асралган. Ота-боболаримиз китобни зебу зийнатдан кўра азизроқ билганлар. Унинг қудрати, зиёси асрларга татишини теран ҳис этганлар. Бугунги кунда қайси қишлоққа борманг, кутубхона бор. Ундан ҳар бир киши керакли адабиётни олиб, истаганича фойдаланиш имкони мавжуд. Мамлакатимиз илму урфон учун ҳеч нарсани аягани йўқ. Ҳар йили кутубхоналар миллион-миллион нусхалаб янги китоблар олишади. Унда фойдаланувчиларга хизмат беминнат. Аммо масаланинг яна бир қанча томонлари борки, уни ҳал этишга эртароқ киришишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Биз ҳам ана шу ҳақда фикр юритишни лозим топдик.**

Сирдарёда кутубхоначи ихтисосига эга бўлган мутахассислар бармоқ билан санарли даражада. Айниқса, қишлоқ кутубхоналаридаги деярли ўрта маълумотли аёллар китобхонлар билан ишлашнинг турли усулларидан фойдаланиш, китобхоннинг қизиқишига қараб унга адабиётлар тавсия қилиш, тарғиботни ташкил эта олиш қобилиятига эга эмаслар. Гапнинг очиғи, бу ҳол китоб ўқилиши, унинг халқ орасига тезроқ кириб боришига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Айни чоғда баъзи муаммолар хусусида фикр юритсак. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, вилоятдаги жами кутубхоналарда 2 миллион нусхадан ошиқ адабиётлар мавжуд. Буларнинг қарийб 800 минг нусхадан ошиқроғига ҳали қўл тегмаган. Негаки, бу китоблар асосан собиқ шўро даврида рус тилида чоп этилган эски адабиётлар бўлганлиги боис ўз ўқувчисига эга эмас. Фақатгина китоб жавонларига зеб бериб турибди, холос. 200 дан ошиқ қишлоқ кутубхоналарининг қарийб 80 фоизида бу адабиётларга талаб умуман йўқ ҳисоби. 20 дан ошиқ қишлоқ кутубхонасида эса икки йилдан буён рус тилидаги адабиёт сўраб олинмаган. Қатор қишлоқ кутубхоналари китоб фондининг маълум бир қисмидангина фойдаланиб келишмоқда. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, кутубхоналарда сақланаётган китоблар тўлиқ самара бермаётир. Бу ҳолни мамлакатимиз миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, рақамлар салмоғи янада ошиб кетади. Бугун китоб жавонлари тўрини эгаллаган, айни чоғда, талаб ниҳоятда кам бўлган китоблардан қутулиш фурсати келмадимикан? Улар ўз ўринларини аллақачоноқ миллий истиқлол руҳида суғорилган, халқимиз тарихи, бугун ва келажагини ифода этувчи асарларга бўшатиб бериши керак эдику. Балки бу китоблар ўз мамлакатларида қадрлироқдир. Энг аввало, мутасадди ўртоқлар ана шу муаммонинг ижобий ечими ҳақида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Янгиер шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири Обиджон Ҳамидов билан шаҳар кутубхоналарини кўздан кечирдик. «Нодира» болалар кутубхонасида 12 минг нусхада адабиёт мавжуд. 700 нафар китобхон бор. Очиғи, адабиётлар, турли саналарга бағишлаб чиқарилган кўргазмалардан кўнглимиз тўлди. Мудира Инобат Азимова билан суҳбатда бўлдик. Кутубхоначилар ўз билганларича ҳаракат қилишаяпти. Ҳар ҳолда ёмон эмас. Ҳаммасидан ҳам шаҳар ҳокимлигининг кутубхоналарга эътибори мақтовга лойиқ. Эски бинода жойлашган марказий кутубхонани собиқ шаҳар партия қўмитаси жойлашган бинога кўчиришга бош-қош бўлибди. Хоналар кенг, ёруғ, барча қулайликлар бор. Очиғи, ҳамма ерда ҳам аҳвол Янгиердагидек эмас. Айниқса, қишлоқ кутубхоналари ҳолатидан кўнгил тўлмайди. Кўп жойларда кутубхона кутубхоначиники ёки маданият бўлиминики, деб қараш одатий тусга айланиб қолган. Китоб ким учун нашр қилиниб, кимга тақдим этилади. Халққами? Бундан чиқди кутубхона ҳам умумхалқ мулки эканку. Уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Вилоятдаги ўнга яқин авария ҳолатидаги кутубхоналар лоқайдлик меваси, холос. Бунинг бош айбдорлари ҳам ўша ҳудуддаги мутасаддилардир. Вилоятда 250 га яқин кутубхоналарнинг 170 минг атрофидаги ўқувчилари орасида ўн нафар фуқаролар йиғини раиси, беш нафар хўжалик раҳбари номи қайд этилган. Бундан кўриниб турибдики, аксарият эл оғаларининг ўзлари бу маскан остонасига қадам қўймаган.

ЮНЕСКО таркибига кирувчи Р.Муҳаммедов номли 21-мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Баҳодир Розиқов билан ана шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик.

- Кутубхонага 5-6 синфгача бўлган ўқувчилар фаол қатнашади, - дейди Баҳодир ака. - Ёши сал улғайган болаларда фикрлаш бошқача бўлиб қолаяпти. Тўғриси, бунга биз муаллимлар қисман айбдормиз. Негаки, айни тарбия-таълимни кучайтириш лозим бўлган бир пайтда эътиборсизлик кучайиб бораяпти. Замонамиз техника асри. Аммо энг тараққий этган давлатларда ҳам кутубхонанинг ўрни йўқолган эмас. Балки бу вақтинчалик жараёндир. Нима бўлганда ҳам фарзандларимизнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш чора- тадбирларини кўриш лозим. Жоҳиллик, дояси билимсизлик эмасми?

Хўш, бугунги кутубхона, кутубхоначи замон талабларига жавоб бера олаяптими? Тўғриси бу ҳақда жўяли бир нарса дейиш қийин. Сабаби кўп. Шулардан бири кутубхоналарни адабиётлар билан таъминлаш масаласи. Энг аввало, китоб дўконларидаги ўқишли китобларнинг аксарияти кутубхона юзини кўрмаган. Чунки унинг харидори кўп. Дўконда ҳам у ўз эгасини топиб олаяпти. Сирдарёлик кутубхоначилар кўнгли «Сирдарёкитоб» бирлашмасидан ҳам тўлмаётган экан. Чунки не машаққатлар эвазига ўтказилган маблағга уларнинг қош-қовоғига қараб китоб танлашга мажбурсан. Оддий бир мисол: шу йилнинг тўрт ойи мобайнида вилоят кутубхоналари бир маротаба беш юз минг сўмлик китоб олишга муваффақ бўлдилар. Ачинарлиси, ана шу маблағга тақдим этилган адабиётларнинг аксарияти кутубхона фондини бойитишгагина хизмат қилади. Бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди, деб ўйлаймиз.

Қарийб ўн олти йилдан буён кутубхонада ишлаб келаман, - дейди Мирзаобод туман «Мирзачўл» ширкатлар уюшмасида жойлашган 14-қишлоқ кутубхонаси мудири Гуласал Нишонова. - Илгарилари А.Навоий номли республика кутубхонаси, вилоят кутубхонасидан тавсиялар, йўриқномалар, услубиёт қўлланмалари олиб турардик. Мана бир неча йилдирки, бу борада қишлоқ кутубхоналари тамомила оқсаб қолди. Қўшни вилоятлардаги ҳамкасбларимизнинг иш тажрибаси бизни ҳам қизиқтиради, ўргангимиз келади. Аммо уни ким ташкил этади. Албатта, биров бош-қош бўлиши керак-ку. Кутубхоначилараро алоқа бўлиши лозим.

Мана икки йилдирки, вилоят маданият ишлари бошқармаси саъй-ҳаракати билан Гулистон шаҳридаги санъат билим юртида кутубхоначи мутахассислар тайёрлайдиган куллиёт очилган, Аммо унга қишлоқ кутубхоначиларини жалб этиш осон кечмаяпти. Аксарият ходимлар иссиқ ўринларини совутгиси келмасдан, 5-10 йиллик иш тажрибасини рўкач қилиб, касб маҳоратларини оширишга бўйинлари ёр бермаётган кўринади.

Хуллас, Сирдарёда кутубхона етарли, муаммолар ҳам. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳал этиш фақатгина кутубхоначилар зиммасида қолаётганлиги ачинарлидир. Китоб ўқилишини, унинг оммавийлигини таъминлаш, ёшларни хазиналар булоғи сари етаклаш кенг жамоатчилик бурчи эмасми? Бу азалий анъанани давом эттириш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Инсон ва қонун*

# АДВОКАТ КИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

**Манфаатдор шахслар қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд тартибида амалга ошириш тадбирлари амалиётда ижобий натижалар бераётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди Бунга асос сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқий меъёрларни суд амалиётига таъсир кўрсатиши ва суднинг ўзига берилган ваколат доирасида ҳақиқатни аниқлашга,шу билан бирга одил судловни амалга оширишга қаратилган барча ҳуқуқлардан фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши уни бошқа давлат органларидан ажратиб туради. Демак,Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилгандек,суд органлари демократик жиҳатларининг энг муҳимларидан бири ҳам давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоясининг устун қўйилишидир.**

Фуқаролар ва юридик шахслар фуқаролик ишларини судларда кўришда аксарият ҳолларда ўзлари бевосита иштирок этадилар. Аммо баъзи сабабларга кўра,чунончи касаллик,хизмат сафарида бўлиш,ҳуқуқ нормаларидан етарли даражада хабардор эмаслик,муомала лаёқатига эга бўлмаслик ва бошқа сабаблар билан даъвогар ва жавобгар шахслар суд ишини юритишни бошқа шахсга(вакилга)топширишлари мумкин Фуқаролар суд ишида шахсан қатнашиб туриб,вакилни хам жалб этишга ҳақлидирлар.

Қонунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишларини судда вакиллар орқали юритиш ҳуқуқи тўғрисида гапирилганда,бундай ҳуқуқдан тараф-лар(даъвогар ва жавобгарлар)билан бир қаторда учинчи шахсларнинг ҳам фойдаланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Судда вакиллик қилиш деб манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади. Қонун ҳамма суд босқичларида кўриладиган фуқаролик ишларида вакилларнинг қатнашишига йўл қўяди.

Судда вакиллик турлари тубандагича: қонуний вакиллик; ихтиёрий (шартномали) вакиллик ; касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари; юридик шахсларнинг вакиллиги ва уставли вакиллик бўлиши мумкин.

Ихтиёрий вакил (шартномали вакиллик) сифатида судларда аксарият ҳолларда адвокатлар қатнашадилар. Адвокатура-ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли,касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Юқоридаги ҳуқуқий меъёрга асосан, адвокатура ҳайъат аъзолари фуқаролик, хўжалик, жиноий ишлар бўйича тузилган шартнома асосида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар.

Амалдаги қонунларда белгилаб қўйилганидек адвокатлар маъмурий, меҳнат, хўжалик низоларида ҳам иштирок этиши, кенг моддий ва процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга уларга нисбатан қатор талаблар ҳам қўйилган.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар,шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Қонунга асосан адвокатлар ўз фаолиятларини қонун устуворлиги, мустақил ва бошқа процессуал ҳужжатларда белгиланган демократик тамойиллар асосида амалга оширадилар.

Улар ваколат берувчи шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар беради, ҳуқуқий аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади, фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади, жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокатлар юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахсларга нисбатан қариндошлик муносабатларда бўлсалар ёки иш юзасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлсалар ва ҳ.к. юридик ёрдам кўрсатишдан воз кечишлари лозим. Улар фуқаролик, жиноят процессуал кодексларда ҳамда адвокатура тўғрисидаги қонун талаблари асосида иш тутишлари шарт.

Адвокатура тўғрисидаги қонунни яна муҳим жиҳатларидан бири - у адвокат билан мижозлар ўртасидаги ишга оид муносабатларни сир сақланишига қаратилган ҳуқуқий меъёрдир.

Адвокатлик сири жумласига мижоз адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, ундан мижоз олган маслаҳатлар, тавсиялар ва тушунтиришларнинг моҳияти, уларнинг ўзаро суҳбатида қайд этилган барча масалалар киради.

Амалдаги фуқаролик процессуал кодексига асосан адвокат судда вакил бўлиш муносабати билан у фуқаролик ишларини судда кўришда иштирок этувчи шахс қаторига киради.

Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар вакиллари ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар, деб тан олинади.

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги 1998 йил 25 декабрдаги қонунга асосан : «Адвокат тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга» эканлиги юқоридаги ҳуқуқий меъёрни бир мунча ойдинлаштиради. Бинобарин, адвокат ишда иштирок этувчи шахс сифатида қонунда кўрсатилган барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва кўрсатилган мажбуриятларини бажаради.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирма олиш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далилларни тақдим этиш, уларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок қилувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш, судда оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижросининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларини амалга оширишга ҳақлидирлар. Бироқ ваколат берувчи шахс, яъни шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувига қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколати тўғрисида алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада махсус изоҳ берилиши керак.

Демак, шартнома асосида вакиллик қилувчи адвокат ваколат берувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг берган топшириқларидан ташқари бошқа ҳаракатларни бажаришга ҳақли эмаслиги ва лозим ҳолларда вакилнинг бажарадиган ҳаракатлари ваколатномада ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатуранинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунда адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг дахлсизлиги, унинг фаолиятига аралашмаслик, уларнинг ижтимоий ҳимоя чоралари ва бошқа масалаларнинг ўз ифодасини топган бўлишлиги фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қонунлардандир.

**Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

*Бу ҳақда Олий Мажлис XIV сессиясида гапирилди*

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИЛДИ

Фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил бораётган республикамиз учун етук, иқтидорли кадрлар тайёрлаш масаласи шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу ҳақда Олий Мажлис XIV сессиясида алоҳида гап борди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти давлатимиз тараққиётига нафақат педагог кадрлар тайёрлаб бериш, балки илмий-тадқиқот ишларига кенг йўл очаётгани, фан, маориф ва техника равнақига сезиларли ҳисса қўшиб келаётгани билан ҳам эътиборга лойиқдир. Олий билимгоҳ мустақиллигимиз даври давомида республикамизга 105 нафардан ортиқ фан номзоди, ўн бешта фан докторлари етказиб берди. Илм масканида илмий даражага эга бўлган педагог-ўқитувчилар 70 фоизни ташкил этади.

Илмий-тадқиқот ишларини янада самарали олиб бориш учун ҳозирги кунда 220 дан ортиқ компьютер мавжуд бўлиб, ўтган йилдан улар Internet халқаро алоқа тармоғига уланди. Саккизта мутахассислик бўйича аспирантура, «Тўқимачилик хом-ашёсига биринчи ишлов бериш» бўйича докторантурада илмий-тадқиқотлар олиб бораётган ходимларнинг номзодлик ва докторлик ҳимояси учун бу ерда махсус Илмий Кенгаш ташкил этилган. Олиб борилаётган илмий-техник изланишларнинг ўзига хос жиҳатини шундан ҳам билса бўладики, 1996-1998 йилларда олтмишдан ортиқ тадқиқотчилар ихтирони тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлдилар.

Яна бир янгилик хусусида тўхтаб ўтиш жоиз. Чунончи, техника фанлари доктори М.Абдукаримова раҳбарлигида Марғилондаги «Атлас» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари билан биргаликда табиий ипакдан тайёрланган «хон атлас» учун ҳар қандай шароитда ҳам сифати бузилмайдиган «фаол бўёқлар» ихтиро қилинди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Шунингдек, техника фанлари доктори, профессор К.Эргашев бошчилигида ўта юпқа қалинликдаги «нитрон» толаси олиш усули ишлаб чиқилди. Бундан ташқари республикамизда ишлаб чиқилаётган пахта нитронли газламаларнинг ранг-баранг турлари ихтиро қилинди ва «Навоийазот» бирлашмаси, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

«Ипак технологияси» кафедрасининг илмий ходимлари томонидан ҳам ипак маҳсулотларининг чиқиндиларини камайтирувчи ва қайта ишловчи технология кашф этилди. Газлама ва маҳсулотларнинг янги турлари , шунингдек, табиий ипакнинг тўқувга яроқсиз чиқиндиларидан халқаро талаб даражаларига жавоб бера олувчи қоғознинг бебаҳо турлари тадқиқ қилинди.

Фан, таълим ва маориф равнақи учун янада кенг йўл очиб бериш, фан ва техниканинг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Олий билимгоҳ йигирмадан ортиқ МДҲ шунингдек, узоқ хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Институт йилига 15 дан ортиқ чет эл делегацияларини қабул қилади. Шу боис ҳам талабаларнинг чет тили ва информатикани пухта билишлари учун алоҳида эътибор қаратилган. Бунда «Аспирантлар ва талабалар клуби», «Талабалар моделлар уйи», «Талабалар конструкторлар бюроси»ни ўз ичига олган «Иқтидорли талаба-ёшлар академияси» йилига энг яхши илмий-тадқиқот ишлари учун кўрик-танлов уюштиради, ғолибларни эса моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиради.

Халқаро матбаачилар ассоциациясининг президенти Х.Лисбетрута тавсияси ва бевосита ёрдами билан жаҳонда босмахона жиҳозлари ишлаб чиқаришда етакчилардан ҳисобланган Германиянинг «Гейдельберг» фирмаси билан ҳамкорликда 500 минг дойч марка миқдорида ўқув маркази ташкил этилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бугунги бозор иқтисоди даври ҳар бир раҳбардан ташаббускорлик, тадбиркорлик, ташкилотчилик ва ишбилармонликни талаб этади. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, хайрли ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Келажак авлоднинг билим олишлари учун, қолаверса қобилиятларини синаб кўришлари учун имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериш мамлакатимиздаги ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарларининг олдида турган долзарб масалалардан биридир. Педагог-ўқитувчиларнинг самарали ишлашлари учун институт касаба уюшма қўмитаси ҳам бор имкониятни ишга солмоқда. Масалан амалдаги йилнинг 1-чорагида жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадлари учун 16 миллион 743 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шундан 261 та профессор ўқитувчига 145198 сўм моддий ёрдам, 274679 сўм мукофот пули берилди, рейтинг натижалари бўйича унвонлар белгиланиб, уларнинг маошларига 873 минг сўм устама ҳақ тўланади. Байрам тантаналарига бағишлаб саноат моллари, дори-дармонлар ва шунга ўхшаш бошқа ёрдам турлари бўйича салкам 2,5 миллион сўм ажратилган. Шунингдек, талабалар учун мўлжалланган моддий ёрдам йил бошидан то шу кунга қадар қарийб 1,5 миллион сўмни ташкил этади.

Хуллас, институт ректори Х.Алимова бошчилигида амалга оширилаётган илмий-тадқиқий, ташкилий, ижтимоий ишлар кўламини янада кенгайтириш, халқ хўжалигининг турли соҳаларига қўшиладиган ҳисса салмоғи аввалги йиллардагидан бирмунча ошиши кўзда тутилаётгани бежиз эмас. Чунки бир мақсад атрофида бирлашган аҳил, иноқ жамоа аъзолари бунданда масъулиятли вазифаларни бажаришга қодирдирлар.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА.**

*Биздан сўрабсиз*

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Саволларингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради.**

**Савол:** 26 йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаман. Ҳозирги кунда асаб касаллигига учраганман. Қанча даволанмай, барибир фойдаси бўлмаяпти. Шу касаллик асосида ўтган ойлар учун иш жойимдан менга нафақа ундириш мумкинми?

**Х.Усмонова,**
**Янгиер шаҳри**

**Жавоб:** Ҳар бир касалликни аниқлаш ва ташхис қўйиш, шунингдек, хулоса чиқариш туман ёки вилоят тиббиёт экспертиза бўлимининг вазифаларига киради. Шу боис ҳам яшаш жойингиздаги тиббиёт экспертиза бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

**Савол:** Таллимаржон шаҳри кичик бир шаҳарча бўлиб, шаҳар деб аташ мумкин эмас. Бизлар электр энергияси, уй ҳақи, коммунал хизмат кўрсатиш учун 50 фоиз ҳақ тўлаймиз. Лекин ахлат учун 100 фоиз ҳақ тўлаймиз. Шу тўғрими?

**А.Ғойибов, Қашқадарё вилояти,**
**Нишон тумани**

**Жавоб:** Давлат ва ташкилот жамғармасига ва қурилиш кооперативларига қарашли уйларда, шунингдек, шахсий уйларда яшовчи педагог ходимлар маиший хизматлар (сув, газ, электр токи ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қишлоқ ва шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар турар жой ва маиший хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Шаҳарда яшовчи мактаб ўқитувчилари ҳақ тўлашдан 50 фоизга озод этиладилар. Иссиқхона(теплица)лар, хўжалик томорқалари учун фойдаланиладиган сув, электр токи ва иссиқлик учун эса улар тўлиқ ҳақ тўлайдилар. Ўқитувчиларга ахлат (мусор) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилмаган. Таллимаржонга шаҳар мақоми берилган бўлса, юқорида кўрсатилган хизматлар учун 50 фоиз ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгасиз.

**Савол:** Олий тоифали ўқитувчи туман халқ таълими бўлимига мутахассислиги бўйича услубчи бўлиб ишга қабул қилинса, унга қайси тоифа бўйича ҳақ тўланади?

**Б.Очилов, Қарши тумани**

**Жавоб:** Мактабда ишлаётган олий тоифали ўқитувчи туман халқ таълими бўлимига мутахассислиги бўйича услубчи бўлиб ишга қабул қилинса бундай ҳолларда унга штат бирлигида услубчиларга берилаётган ойлик миқдорида ҳақ тўланади. Бироқ бу ходим ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланмайди.

**Савол:** Республикамизда таълим тизимида ишлаётган ходимлар (ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари)га ҳақ бир хилда тўланадими, ёки қандайдир тафовут, фарқ мавжудми?

**А.Худойқулов, Хива тумани.**

**Жавоб:** Касб-ҳунар коллежларида тўланадиган хақ мактаб ўқитувчисининг оладиган иш ҳақидан 20 фоиз кўпдир.

**Савол:** Ёшим 46 да, ўнта фарзанднинг онасиман. Ўн уч йилдан буён мактабда хизматчи вазифасида ишлайман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

**М.Муҳаметова, Қашқадарё вилояти,**
**Усмон Юсупов тумани**

**Жавоб:** Амалдаги қонунларга мувофиқ пенсияга чиқишда эркаклар учун ўртача 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёш меъёри белгиланган. Бироқ аёлларнинг беш ва ундан кўпроқ фарзанди бўлиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, шунингдек, 20 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганлар кўрсатилганидан беш йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, Сиз ҳам бу имтиёздан фойдаланиб 49 ёшда пенсияга чиқишингиз мумкин.

**Савол:** Автомобил ҳайдовчиси мутахассислари тайёрлаб берадиган Китоб туманидаги «Ватанпарвар» мактабида 31 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ёшим 55 да, ўқитувчиларга бериладиган имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

**Ш.Умаров, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани**

**Жавоб:** Сиз махсус автомобил ҳайдовчилари тайёрлайдиган мактабда ишлагансиз, яъни ўқувчиларга умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилардан фарқли ҳолда уларга касб ўргатгансиз. Шуни маълум қиламизки, умумтаълим мактабларидан фарқли бўлган бошқа мактаблар, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли эмас.

**Савол:** Ўқитувчи, тарбиячилар қандай ҳолларда имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин?

**А.Мустафоқулов, Жиззах вилояти,**
**Зарбдор тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 май 1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришлар, корхоналар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхати асосида имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи»ни берувчи 3-рўйхатнинг 7-қисмига асосан:

- тўлиқ иш куни мобайнида бевосита болалар билан шуғулланувчи педагоглар;

- мактаб директорлари, халқ таълимининг бошқарув шўъбаларидаги мутахассислар ва раҳбарлар тўлиқ бир ставкада 25 йил давомида ўқитувчилик ёки тарбиячилик қилган бўлсалар, имтиёзли равишда педагог сифатида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

## АМАЛИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Республика байналмилал Марказида халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда XIX-XX асрларда яратилган каштачилик, кулолчилик, кандакорлик ва заргарлик санъатига оид икки юзга яқин асар намойиш этилмоқда. Ҳар бири ўзига хос услуб, йўналишга эга бўлган бу экспонатларда халқимизнинг юксак эстетик диди ўз ифодасини топган. Табиат гўзаллиги ва мафтункорлиги, ранглар жилоси каштачилик ва кулолчилик асарларида айниқса моҳирона акс эттирилган.

## ҚАРШИНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Қаршида «Қадимий Қарши, Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда қадимий Қарши кентининг тарихи ва Ўрта Осиё маданиятида тутган ўрни ҳақида республикамизнинг етакчи олимлари, Германия, Саудия Арабистонидан ташриф буюрган мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қадимда Нахшаб, Насаф номлари билан юритилган бугунги Қарши шаҳрининг тарихи олис мозийга бориб тақалади. Қарши яқинидаги Еркўрғон харобаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, у қадимий Нахшаб вилоятининг биринчи пойтахти сифатида милоддан аввалги олтинчи асрда барпо этилган. ЎзФА Археология институти олимлари олиб борган қазилма ишлари натижасида бу ерда қадимги Суғдиёна маданиятига оид бир қатор муҳим ашёлар топилди. Сарой, ибодатхона, зардуштийлар даҳмаси, ҳукмдорларнинг сулолавий мақбараси шулар жумласидандир. Шуларга асосланиб олимлар Қарши шаҳрининг ёши 27OO йилга тенг деган тахмин билдирмоқдалар.

**(ЎзА)**



Париж

# OLAMDA NIMA GAP

**В Е Н А. Австрияда серб ва албан тилларида эшиттиришлар узатиш мақсадида янги радиостанция иш бошлади. У Австриянинг ОРФ номли телерадиоэшиттириш компанияси қошида ташкил қилинган бўлиб, ўрта тўлқинларда эшиттиришлар узатади.**

**Бундай радиостанцияни ташкил қилишдан асосий мақсад Косово қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, яъни ўз яқинларини йўқотганларни бир-бири билан учраштириш ва бу борада мунтазам эшиттиришлар тайёрлашдир, деди ОРФ компанияси раҳбарларидан бири. Шунингдек, унда инсонпарварлик тадбирлари ҳақида ҳам эшиттиришлар бериб борилади.**

* * *

**М А Д Р И Д.** *Испания полицияси йирик халқаро жиноятчилар гуруҳини қўлга олди. Жиноий тўда автомобилларни ўғирлаш ва уларни хорижга сотиш билан шуғулланиб келган. Полиция маҳкамаси маълумотига қараганда, қўлга олинган ўттиз нафар жиноятчининг аксарияти Арманистон, Болгария ва Марокаш фуқароларидир. Уларнинг турар жойларидан кўплаб ҳужжатлар, хорижий валюта ва қимматбаҳо тақинчоқлар ҳамда ҳали сотишга улгурилмаган 6O та автомобил топилди. Дастлабки тергов натижаларига кўра, мазкур гуруҳ томонидан сўнгги тўрт ой ичида 14O та машина ўғирлангани аниқланди.*

* * *

**Г А А Г А. Нидерландия ҳукумати Македониядаги косоволик қочқинларнинг икки минг нафарини ўз ҳудудига қабул қилишга розилик берди. Уларнинг мингга яқини Тер Апеле ва Эрмело шаҳарларида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйларга жойлаштириладди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Нидерландиядан Македонияга ушбу масала билан шуғулланувчи махсус делегация жўнатилган.**

* * *

**С И Д Н Е Й.** *Янги Зеландиянинг шимолий ҳудудида ер силкиниши рўй берди. Рихтер шкаласи бўйича унинг кучи 6,8 баллга тенг бўлган. Табиий офат талофатлари ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.*

*Мутахассисларнинг айтишича, Янги Зеландия Тинч океани минтақасида энг кўп зилзила бўладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда бир йил мобайнида юзга яқин ер силкиниши қайд этилади. 1931 йилда рўй берган шундай табиий офат туфайли Янги Зеландиянинг Нейпир шаҳри буткул вайронага айланган эди.*

**(ЎзА)**

